



НОКИМИ

ХОКИМИ

O'zbekiston Respublikasi Samarqand viloyati Kattaqo'rg'on shahri

№ 774-К

«12» декабр 2012 йил

Қ А Р О Р

**Каттақўрғон шаҳар Қорадарё кўчасида
намунавий лойиҳа асосида автомобилларга
техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуришга
рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги № 146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид булмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда Республика аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 ноябрдаги № 01-02-85-сонли йиғилиш баёнига асосан. 2012 йилда Каттақўрғон шаҳар ҳудудида намунавий лойиҳа асосида енгил автомобилларга сервис хизмати қуриш кўзда тутилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Инжиниринг компаниясининг 2012 йил 12 январдаги № 01-05 сонли хатини, тупланган хужжатларни, Каттақўрғон шаҳар Бустон кўчаси 18 уйда яшовчи Насурлаев Хусанни аризасини, ҳамда Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2010 йил 12 апрелдаги № 133-Қ сон билан «Каттақўрғон шаҳрида ер участкаларини бериш тўғрисида»ги қарорига асосан комиссия аъзолари томонидан тузилган далолатномасини кўриб чиқиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2010 йил 12 апрелдаги № 133-Қ сон билан «Каттақўрғон шаҳрида ер участкаларини бериш тўғрисида»ги қарорига асосан комиссия аъзолари томонидан тузилган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар прокуратурасининг протестига асосан, Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2012 йил 25 январдаги № 57-Қ сонли қарори бекор қилинганлигини инобатга олиб, Каттақўрғон шаҳар Бустон кўчаси 18 уйда яшовчи Насурлаев Хусанга Қорадарё кўчаси атрофидаги 0,3 га ер майдонида намунавий лойиҳа асосида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуришга ҳамда атрофини ободонлаштириш ишларини амалга оширишга рухсат берилсин.
3. Каттақўрғон шаҳар Бустон кўчаси 18 уйда яшовчи Насурлаев Хусанга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета хужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида қуриш учун материалларини расмийлаштириш юклатилади. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Рахмонов ҳамда шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

С.З.Раззақов